

**ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ТАННАРХИ ВА УЛАРНИ  
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА  
ҮЙҒУНЛАШТИРИШ**

**Аннотация:** мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида 2-сон МХХСлари ва 4-сон БХМСларидаги умумий қоидаларни солишириш натижалари акс эттирилди. Захиралар таннархини шакллантириш, уларни баҳолаш масалалари баён қилинган. Ишлаб чиқарилған маҳсулот таннархи түғрисидаги ҳисоботнинг методологик тартиби асосланды. Захираларнинг бухгалтерия балансида таркибини такомиллаштириш бүйича таклифлар берилди.

**Аннотация:** в статье отражается результаты сравнения общих правил на МСФО №2 и НСБУ №4 в условиях модернизации экономики. Описываются вопросы формирования себестоимости запасов и их оценки. Обосновывается методологический порядок составления отчета о себестоимости произведенных продуктов. Разработаны предложений по совершенствования состава запасов в бухгалтерском балансе.

**Annotation:** the article is devoted results of comparisons 2-IAS and 4-NAS in the condition of modernization of economy. In the article is described problems of forming cost of inventory and their valuation. Will settle metrological aspects of preparing reporting of cost of the production. Elaborated of proposals of developments structure of inventory in balance sheet.

**Калит сўзлар:** захиралар, паррандачилик, молиявий ҳисбет, молиявий ҳисбетнинг ҳалқаро стандартлари, реализациянинг эҳтимол қилинаётган соғ киймати, адолатли қиймат, захиралар таннархи.

**Ключевые слова:** товарно-материальные запасы, птицеводства, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, вероятная чистая цена продажи, справедливая стоимость, стоимость запасов.

**Key words:** inventory, poultry, financial reporting, IFRS, probable net realizable value, fair value, inventory value.

Бугунги кунда Ўзбекистонда молиявий ҳисбетнинг ҳалқаро стандартларига ўтишда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон республикасида мавжуд корхона ва компанияларнинг молиявий ҳисбетларини ҳалқаро стандартлар асосида тузилиши ҳозирги давримизнинг талаби ва зарурати жуда каттадир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисбетнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бүйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги қарорида “Молиявий ҳисбетнинг ҳалқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва ҳалқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини ҳалқаро

стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш”<sup>1</sup> белгиланган. Ушбу қарорни ижросини таъминлаш максадида Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 24 август 507-сон “Молиявий ҳисботнинг халкаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўгрисида” низомни тасдиқлаш хакида карор қабул килди. ПҚ-4611-сонли қарорнинг 1-иловасининг 2-бандида “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МХХСга уйғунлаштиришни ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштириш” белгиланган. Бу каби вазифаларнинг ҳал этилиши мамлакатимиз иқтисодганиётининг шиддат билан ўсишини таъминланиши учун катта қадам бўлиб ҳисобланади. Шундай корхоналарнинг ривожланишини, материаллар таъминоти, материалл захиралари ва маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини ҳисоблаш методологиясини такомиллаштиришни, таннархни камайтиришнинг имкониятлари ва резервларини топишни, халқаро стандартларда ва тажрибаларда кўзда тутилган илғор тизимларини жорий қилишни зарурат қилиб қўймоқда.

Ваҳоланки Молиявий Ҳисботнинг Ҳалқаро Стандартларига исталган пайтда, тўғридан-тўғри ўтиб бўлмайди. Агарда тайёргарликсиз молиявий ҳисбот МХХСлар бўйича трансформация қилинган тақдирда ҳам кутилган натижани бермайди. Шу боис, МХХСларни биринчи марта қўллашда ёки миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисботни трансформация қилишдан олдин ҳар бир ҳалқаро стандартлар билан алоҳида танишиб ўрганиб чиқилиб ва энг асосийси миллий стандартлар билан солиштиришлар олиб борилиши лозим. Ҳозирги кунда ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона бўлмасин материал захираларисиз, материалларнинг таъминотисиз корхона фаолият юритиш имконияти сустлашади ва ҳатто мумкин бўлмай қолади. Бугунги кунда захираларни тан олиш, уларнинг таннархини аниқлаш, баҳолаш ҳамда молиявий ҳисботда акс эттиришга доир ҳалқаро стандартлардаги масалаларини ва бу борада илғор хорижий тажрибаларни ёритиб бериш ўта долзарб масалалар сирасига киради. Бундан ташқари ҳалқаро стандартларда келтирилган атамаларни мазмун моҳиятини аниқлаштириш зарурати мавжуд.

Бу долзарб вазифаларни бажариш бўйича Молия вазирлиги, бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан бир қаторда олимлар ҳам кенг кўламли иш олиб бормоқдалар. Булар қаторига Ташназаров С.Н., Тўлахаджаева М.М., Ҳайдаров Ш.У., Ҳамдамов Б.К., Ризаев Н.К. ва бошқалар<sup>2</sup>.

Мақолада 4-сон БХМС “Товар-моддий захиралар” стандартида келтирилган атамалар тавсифи, тамойиллар ва қоидалар 2-сон МХХС “Захиралар” стандартидаги қоидалар билан солиштирилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида” қарори.

<sup>2</sup> Ташназаров С.Н., Finance.uz, 23 08 2016й “Захиралар молиявий ҳисботнинг методологик масалалари”, Ташназаров С.Н., “Товар-моддий захиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисботда акс эттириш масалалари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил, 10 б.

Солиширилган маълумотларидан кўриниб турибеки, халқаро стандартлар ва миллий стандартлар ўртасида умумий қоидаларни белгилашда бир қанча фарқлар мавжуд. Жумладан:

- халқаро стандартда захираларнинг актив сифатида тан олинадиган таннархини ҳамда тегишли тушумни тан олгунга қадар келгуси давларга ўтказиладиган суммасини аниқлашга устувор аҳамият қаратилган бўлса, миллий стандартда эса мулк ҳукуқига тегишли бўлган ТМЗларнинг бухгалтерия ҳисоби услубиёти ва молиявий ҳисботда акс эттирилишини белгилаш, деб таърифланган. Фикримизча, стандартнинг мақсади кўпроқ ишлаб чиқарилган, сотилган захиралар ҳамда ҳали сотилмаган қолдиқдаги захиралар таннархини аниқлаш тартибини белгилашга қаратилиши мақсадга мувофиқдир.
- миллий стандартларда сотишнинг соф қиймати ва жорий қиймати тушунчаларининг мантиқан мазмунига аниқлик киритиш лозим. Бу тушунчаларни тўлиқ халқаро стандартдаги контекстида қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.
- миллий стандартимизда инвентар ва хўжалик анжомлари тушунчаси киритилган ва бу каби инвентарлар таркибини маҳсус асбоблар ва мосламалар, маҳсус ва санитария кийимлари, маҳсус пойабзал, кўрпа тўшаклар, ёзув-чиズув анжомлари, ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар мисолида келтиришимиз мумкин. Халқаро стандартларда “инвентар ва хўжалик анжомлари” тушунчаси мавжуд эмас. Уларнинг бир қисми ҳисоб сиёсатида кўрсатилган тартибда машина ва асбоб-ускуналар таркибида ҳисобга олинади. Чунки, халқаро стандартларда асосий воситалар (мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар)га қиймати бўйича чегара қўйилмаган. Бир қисми эса материаллар таркибига киради ва умумий тартибда ҳисобга олинади. Шу боис, “инвентар ва хўжалик анжомлари” тушунчаси, уни тан олиш мезони ва мезонлардаги талаблардан қатъи назар таркибига киритиладиган моддаларини тўлиқ халқаро стандартларга мувофиқлаштириш керак. Бунинг учун қуйидаги йўналишларда ишларни амалга ошириш керак. Амалиётимизда асосий воситалар (“бино, машина ва асбоб-ускуналар”)ни тан олишда қиймати минимал иш ҳақининг 50 баробаридан кам бўлмаслиги керак” деган мезонни олиб ташлаш керак. Натижада, узок муддатга хизмат қиладиган моддий активларнинг таркибини халқаро стандартларда келтирилган мезонлар доирасида компаниялар ўзлари белгилаш ҳукуқига эга бўлади. Ушбу тавсияларнинг қўлланилиши умумий қоидалардаги тафовутларни қисқартиради ва миллий молиявий ҳисботни трансформациялаш жараёнини енгиллаштиради.

Тадқиқот олиб бораётган обьектимиз “Мароқанд-Парранда” МЧЖ, ишлаб чиқариш корхонаси бўлганлиги сабабли корхонада олиб борилаётган барча ҳисботлар миллий стандартлар талабига мос ва уйғун тарзда олиб борилади. Бироқ корхонанинг ривожланиши, четдан янги инвесторларни жалб қилиниши ёки тайёр маҳсулотларини хориж мамлакатларига экспорт қилишлари учун харидорларни жалб қилишлари имкониятини юксалтириш мақсадида МЧЖ ҳам молиявий ҳисботларини халқаро стандартларга трансфармация қилиши ва кейинчалик бутунлай ҳисботларини халқаро стандартлари асосида юритилишини таъминлаши лозимдир.

2-сон МХХС “Захиралар” стандартининг талабларига мувофиқ захиралар мажбурий тартибда қуидаги миқдорлардан энг кичиги бўйича баҳоланиши шарт: таннархи ёки реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қиймати. Агар реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қиймати материалларнинг таннархидан паст бўлса, захира реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қийматида акс эттирилади. Акс ҳолда эса, яъни реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қиймати уларнинг таннархидан катта бўлса захира таннархда ифодаланади. Тадқиқотларимизда “ 4-сон БҲМС ва 2-сон МХХСларидағи захиралар таннархи билан боғлиқ бўлган тушунчаларни халқаро ва миллий стандартларда белгиловчи қоидаларнинг акс эттирилиши ҳам кўриб чиқилган.

Паррандачилик субъектларида халқаро стандартлар асосида маҳсулот таннархи қуидаги кўрсаткичларда ифода этишимиз мумкин. Ҳар бир кўрсаткич босқичларда шаклланганлиги боис, паррандачиликда маҳсулот таннархи кўрсаткичларини тўртта босқичга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ишлаб чиқаришга чиқарилган материал таннархи (биринчи босқич)
2. Маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи (иккинчи босқич)
3. Тайёр маҳсулот таннархи (учинчи босқич)
4. Маҳсулотни сотиш таннархи (сотилган маҳсулот таннархи) (тўртинчи босқич).

Маҳсулот таннархининг шаклланишини босқичларга бўлишдан мақсад, биринчидан, захиралар ҳаракатининг молиявий натижалар шаклланишига таъсирини аниқ акс эттириш ва иккинчидан, бутун бухгалтерия ҳисоби тизимининг ҳар бир босқичида захиралар таннархи шаклланиши ва ўсишини аниқлашга устувор аҳамиятни қаратишга эришиш ҳисобланади.

Бошқа устама харажатлар товар-моддий захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлиб, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ уларни ҳам маҳсулот таннархига киритиш қабул қилинган. Бундай харажатларга мисол қилиб аниқ мижозлар учун маҳсулотлар бўйича қилинадиган қўшимча ишланмалари харажатларни ҳамда захираларни жорий жойига келтириш билан боғлиқ меҳнат ҳақи ва транспорт харажатларини киритиш мумкин. Бу харажатларни стандарт талабларига мувофиқ захиралар таннархига киритиш мантиқан тўғри бўлади.

Юқоридагилар асосида хulosа қилиш мумкинки, захиралар таннархи (ЗТ) бу захиралар харид таннархи (ЗХТ), захираларни қайта ишлаш таннархи (ЗҚИТ) ва плюс бошқа устама харажатлари (БУХ) йиғиндисидан иборатдир. Буни қуидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$ЗТ = ЗХТ + ЗҚИТ + БУХ$$

Юқорида қайд этилган таклиф ва тавсиялар захиралар таннархини тўғри шакллантириш ҳамда захираларга оид ахборотларни молиявий ҳисботда халқаро ва миллий стандартлар талабларига мувофиқ ҳолда акс эттириш имкониятини беради ҳамда миллий стандартларимизни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қиласди.

Олиб борилган тадқиқотларимиз юзасидан хulosа қиласиган бўлсак, захираларга оид атамалар тавсифи ва уларнинг таркиби бўйича белгиланган

қоидаларни солишириш натижасида халқаро стандартлар ва миллий стандартлар ўртасида умумий қоидаларни белгилашда бир қанча фарқлар мавжудлиги ва уларни бир-бирига мувофиқлаштириш бўйича таклифлар қилишга имконият яратди. Шу боисдан корхонада товар-моддий захиралар (материаллар)нинг баҳоланиши ҳамда уларнинг халқаро стандартлар билан мослашишида қўйидаги тавсиялар келтирилди:

- молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича . Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ижросини ўз вақтида амалга ошириш;
- корхонада материаллар ҳисобининг юритилишини автоматлаштиришни;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи тўғрисидаги ҳисоботни тузиш зарурлигини;
- бухгалтерия балансини кенг ахборот фойдаланувчиларга тақдим этиш ва нашр эттириш мақсадида товар-моддий захираларни таннархи бўйича битта сатрда акс эттириш бўйича таклиф берилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 авгуустдаги 507-сон қарори “Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисида” низом.
- 3.Ташназаров С Н., Finance.uz, 23 08 2016й “Захиралар молиявий ҳисоботнинг методологик масалалари” ,
- 4.Ташназаров С.Н., “Товар-моддий захиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил, 10 б.